

Қўрққанда айтиладиган дуо



09:35 / 29.05.2025 1253

Валид ибн Валид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Эй Расулуллоҳ, мен ўзимда қўрқувни ҳис қиляпман», деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тўшагингга ётганингда:**

????? ????????????? ?????? ????????????????? ??????

????????? ????????????????? ?????????? ????????????????? ??????????

????????????? ????????????????????? ?????????? ??????????????????

«**Аъзу бикалимаатиллаҳит таммати мин ғозобиҳи ва ъиқобиҳи ва шарри ъибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни**», деб айт, шунда сенга бирор нарса зарар бермайди ёки яқинлаша олмайди», дедилар.

Маъноси: Аллоҳнинг мукаммал калималари билан Унинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон васваса қилиб, менинг ҳузуримда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман.

Ибн Сунний ривояти.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.